

“МАЪҚУЛЛАНГАН”

Давлат тест маркази Илмий-методик
кенгашининг 2016 йил 30 декабрдаги
йиғилиши 4-сон баёни қарори билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”

Давлат тест марказининг
2017 йил 6 январдаги
01-08-сонли буйруғи билан

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛАЁТГАН “ОЛИЙ ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТЕСТ СИНОВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ” ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ

1. ХИЗМАТ ТАВСИФИ (ПАСПОРТ)

1.1. Хизмат номи

Олий ҳарбий таълим муассасаларига тингловчи ва курсантларни ўқишга қабул қилишда тест синовларини ўтказиш;

1.2. Хизмат натижаси

Олий ҳарбий таълим муассасаларига тингловчи ва курсантларни қабул қилишда ўтказилган тест синовлари натижаларини тақдим қилиш;

1.3. Хизмат кўрсатувчи орган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази;

1.4. Хуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 12 июлда 2477-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига тингловчи ва курсантларни ўқишга қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом”.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 июнда 141 сон “Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги” Қарори.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш тест синовларида қатнашиш учун ҳужжат топширган жисмоний шахслар;

1.6. Сўровнома берилиш муддати

Тест синовларини топширишга тавсия этилган абитуриентлар ҳақидаги маълумотларни Давлат тест маркази томонидан тақдим этилган «АБТ-Абитуриент» дастури орқали маълумотлар базасига хатосиз киритади ва уларнинг электрон суратлари билан бирга 25 июнга қадар Давлат тест марказига тақдим этади;

1.7. Ижро муддати

Тест синовлари ҳар йили 5 июлда ўтказилади. Тест синовлари натижалари 10 июлгача ҳисобланади.

1.8. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати

3 июль куни тест синовлари ўтказиладиган биноларда абитуриентларга «Абитуриент рухсатнома»сини тарқатади;

2. ХИЗМАТДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИ ХАБАРДОР ҚИЛИШ

2.1. Кенг доирада маълумот берилиши

Абитуриентларга тест синовини ўтказилиши ва уни топшириш қоидалари тўғрисидаги ахборотлар Давлат тест маркази расмий веб-сайти ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали маълумот тақдим этилади.

2.2. Сўровнома бўйича маълумот берилиши

Ушбу хизматдан фойдаланиш учун фуқаронинг ўзи шахсан келиши лозим.

2.3. Хизмат кўрсатиш жойи ҳақида хабардор қилиш

Абитуриент тест ўтказиладиган кават ҳамда аудитория рақами ҳақидаги маълумотларни тест ўтказиладиган куни билиб олади.

2.4. Фойдаланиладиган бланк (шакл)лар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 12 июлда 2477-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига тингловчи ва курсантларни ўқишга қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом”да келтирилган шакллардан фойдаланилади.

3. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

3.1. Иш вақти

Тест синовларини ўтказишга доир барча ҳужжатлар Давлат тест маркази иш куни ва иш вақтида тақдим этилиши мумкин.

Иш вақти: 9-00дан - 18-00гача. Дам олиш кунлари: шанба, якшанба.

3.2. Кутиш шарти

Тест синовлари натижалари 5 кун ичида тақдим қилинади.

4. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБ – ТАОМИЛИ

4.1. Хизмат кўрсатиш қиймати

Давлат хизмати бепул кўрсатилади.

4.2. Хизмат кўрсатиш босқичлари

1-босқич. Қабул комиссияси томонидан 25 июнга қадар Низомнинг 1-илоvasи 1-шакли бўйича абитуриентлардан тушган аризалар ҳақида маълумот, Низомнинг 1-илоvasи 2-шакли бўйича халқаро ва республика фан олимпиадалари, танлов ва мусобақалар ғолиблари рўйхати, Низомнинг 1-илоvasи 3-шакли асосида ҳарбий қисм кўмондонлигининг тавсияномасига эга бўлган абитуриентлар рўйхатини қабул комиссияси раисининг электрон имзоси билан тасдиқланган ҳолда Давлат тест марказига тақдим этилади ва ушбу ҳужжатларга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиши қатъиян ман қилинади;

2-босқич. Низомнинг 2-илоvasида келтирилган шаклдаги титул варақаси ва Низомнинг 3-илоvasида келтирилган шаклдаги абитуриент рухсатномасини ҳамда Низомнинг 4-илоvasи 1-шакли бўйича абитуриентларнинг умумий рўйхати, Низомнинг 4-илоvasи 2-шакли бўйича абитуриентларга рухсатномаларни тарқатиш қайдномасини чоп этиш бўйича Давлат тест маркази билан шартнома тузилади;

3-босқич. 29 июнга қадар Низомнинг 5-илоvasи 1-шакли бўйича касбий (ижодий) имтиҳон балларини, Низомнинг 5-илоvasи 2-шакли бўйича чет тили имтиҳони балларини қабул комиссияси раисининг электрон имзоси билан тасдиқланган ҳолда Давлат тест марказига тақдим этади ва эълонлар тахтасига жойлаштиради. Касбий (ижодий) имтиҳонлар баллари ҳамда чет тили имтиҳони баллари Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг абитуриентларни талабалар сафига ўтказиш ҳақидаги қарори чиқмагунча эълонлар тахтасидан олинмаслигини таъминлайди;

4-босқич. Қабул комиссияси 2 июль куни Давлат тест марказидан абитуриент рухсатномалари ва абитуриентларга рухсатномаларни тарқатиш қайдномаларини қабул қилиб олади;

4.3. Хизмат кўрсатишнинг ички – идоровий босқичлари

Давлат тест маркази тест синовини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ қуйидаги вазифаларни бажаради:

тест материалларининг сифатли, нуқсонсиз тайёрланишини таъминлайди ҳамда махфийликни сақлаган ҳолда тайёрлайди ва чоп этади;

таълим муассасаларидан Низомда қайд этилган барча маълумотлар ва маълумотлар базаларини электрон имзо билан тасдиқланган ҳолда қабул қилиб олади ва ишлов беради;

Давлат тест маркази вакиллари, аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларини таълим муассасалари бўйича тақсимотини амалга оширади;

абитуриентларнинг аудиториялар бўйича рўйхатларини шакллантиради;
тест материалларини фельдъегерлик хизмати ходимларига топширади ва улардан қабул қилиб олади;

қабул комиссияларга тест синови натижалари билан бирга тўлдирилган титул варақаларини топширади;

бажарилган тест топшириқларини текширади ва натижасини чиқаради;

тест материаллари таҳлили бўйича тафтиш ва тест синови натижаси бўйича муурожаатларни кўриб чиқиш учун апелляция комиссияларини ташкил этади.

5. СИФАТ ТАЪМИНОТИ

5.1. Сифат кўрсаткичлари

Абитуриент жавоблар варқасидаги “Test sinovlari qoidalarini buzildimi?” пунктида тест синовларини ўтказиш жараёни ҳақидаги ўз фикр – мулоҳазаларини “**Ha**” ёки “**Yo’q**” кўринишида билдиришлари мумкин.

5.2. Сифатсиз кўрсатилган хизмат учун шикоят

Тест синовлари натижасидан норози бўлган абитуриент тест синовлари натижаси эълон қилинган кундан бошлаб икки кун давомида Давлат тест марказида ташкил этиладиган апелляция комиссиясига мазкур Низомнинг 22-иловасига мувофиқ тест натижалари бўйича апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга. Апелляция шикоятига абитуриент рухсатномасининг нусхаси илова қилинади. Абитуриентга апелляция шикояти қабул қилинганлиги ва кўриб чиқиш санаси тўғрисида хабарнома берилади.

Абитуриент шикояти бўйича апелляция комиссиясининг хулосаси юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.